

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ  
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.07/30.12.2019.Уч.22.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ  
АКАДЕМИЯСИ**

**АШИРБАЕВА МАВЛУДА ХАКИМБАЕВНА**

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТИНИНГ МИНТАҚАВИЙ СУВ  
РЕСУРСЛАРИДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНИШНИ ТАШКИЛ  
ЭТИШ ФУНКЦИЯСИ ВА УНИНГ ХУҚУҚИЙ ЖИҲАТЛАРИ**

**12.00.01 – Давлат ва ҳуқуқ назарияси ва тарихи.  
Ҳуқуқий таълимотлар тарихи**

**Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2020**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of the abstract of the dissertation of the Doctor of Philosophy(PhD)**

**Аширбаева Мавлуда Хакимбаевна**

Ўзбекистон давлатининг минтақавий сув ресурсларидан оқилана  
фойдаланишни таъминлаш функцияси ва унинг ҳуқуқий жиҳатлари..... 3

**Аширбаева Мавлуда Хакимбаевна**

Правовые аспекты организации функции государства Узбекистана  
по рациональному использованию региональных водных ресурсов..... 23

**Ashirbaeva Mavluda Hakimbaevna**

Legal aspects of the organization of the function of the state of Uzbekistan  
on rational use of regional water resources ..... 43

**Эълон қилинган илмий ишлар рўйхати**

Список опубликованных научных работ  
List of published scientific works..... 49

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ  
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.07/30.12.2019.Yu.22.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ  
АКАДЕМИЯСИ**

**АШИРБАЕВА МАВЛУДА ХАКИМБАЕВНА**

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТИНИНГ МИНТАҚАВИЙ СУВ  
РЕСУРСЛАРИДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНИШНИ ТАШКИЛ  
ЭТИШ ФУНКЦИЯСИ ВА УНИНГ ХУҚУҚИЙ ЖИҲАТЛАРИ**

**12.00.01 – Давлат ва ҳуқуқ назарияси ва тарихи.  
Ҳуқуқий таълимотлар тарихи**

**Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2020**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.2.PhD/Үб67 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация иши Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (<https://tsul.uz/uz/fan/avtoreferatlar>) ва «Ziyonet» ахборот-таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Одилқориев Хожимурод Тўхтамуродович**  
юридик фанлар доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Рўзиёев Зафар Райимович**  
юридик фанлар доктори, профессор в.б.

**Хусанбоев Олим Отамуратович**  
юридик фанлар номзоди, доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги  
Давлат бошқаруви академияси**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Тошкент давлат юридик университети ҳузуридаги DSc.07/30.12.2019.Үб.22.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «б» октябрь соат 15.00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100047, Тошкент шаҳри, Сайилгоҳ кўчаси, 35-уй. Тел.: (99871) 233-66-36, факс: (99871) 233-37-48, e-mail: info@tsul.uz).

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Тошкент давлат юридик университетининг ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (932 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100047, Тошкент шаҳри Амир Темура кўчаси, 13. Тел.: (99871) 233-66-36).

Диссертация автореферати 2020 йил «14» сентябрь куни тарқатилди.

(2020 йил «14» сентябрдаги «2» -рақамли реестр баённомаси).

**Р. Р. Ҳақимов**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, юридик фанлар доктори

**Ш. А. Сайдуллаев**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш котиби, юридик фанлар номзоди, профессор

**М. А. Аҳмедшаева**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, юридик фанлар доктори, профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунёда минтақавий сув ресурсларидан оқилона фойдаланишда давлатлар фаолиятининг халқаро-ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш, инновацион ривожланиш шароитида уларнинг сув ресурсларини асраб-авайлаш ва сақлаб қолиш борасидаги экологик функциясини такомиллаштириш, табиий сув ресурсларидан баҳамжihat ва оқилона фойдаланишга қаратилган самарали минтақавий ҳамкорликни йўлга қўйиш зарурати мунтазам равишда муҳокама қилиб келинмоқда. Ҳозирги вақтда икки ва ундан ортиқ давлат ҳудудини кесиб ўтувчи 260 дан зиёд трансчегаравий сув ҳавзалари атрофида дунё аҳолисининг 40 фоизи истиқомат қилади. Ўз навбатида, халқаро сув ҳавзаларининг бир текис тақсимланмаганлиги натижасида асримиз бошларида 1 миллиардга яқин аҳоли ичимлик суви етишмовчилигидан азият чеккан бўлса, бугунга келиб уларнинг сони 1,7 миллиардга етди. 2025 йилга келиб бу кўрсаткич 3 миллиарддан ортиқ бўлиши кутилмоқда. Сўнгги йилларда дунё ва минтақа миқёсида табиий, жумладан сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш жиддий муаммолардан бирига айлангани ушбу мавзунинг ниҳоятда долзарблигидан далолат беради.

Жаҳонда юзага келган сув тақчиллиги муаммоларини ҳал қилиш мақсадида давлатнинг минтақавий сув ресурсларидан оқилона фойдаланишни ташкил этиш функциясини самарали амалга ошириш, сув ҳавзалари, жумладан трансчегаравий дарёлардан фойдаланишда, шунингдек гидротехник иншоотлар қуриш ва уларнинг атроф муҳит, энг аввало, аҳолининг ҳаёти ва соғлиғи учун хавфсиз ишлатилишини таъминлашда ўзаро манфаатли ҳамкорлик механизмларини ҳамда соҳага оид халқаро-ҳуқуқий нормаларни такомиллаштиришнинг янги йўналиш ва истиқболларини аниқлаш бўйича илмий тадқиқотлар ўтказишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Республикамиз тараққиётининг ҳозирги инновацион босқичида атроф муҳитни муҳофаза қилиш, табиий сув ресурсларидан, минтақавий чегаралараро дарёлардан ўзаро манфаатли тарзда фойдаланиш ва уларни келгуси авлодларга етказиш борасида узоқни кўзловчи давлат сиёсати юритилмоқда. Мавжуд сув захираларини оқилона бошқариш тизимини яратиш борасида туб ислохотлар амалга оширилмоқда. Минтақанинг табиий сув захираларидан, трансчегаравий дарёлардан оқилона фойдаланишни ташкил этиш давлатнинг муҳим функцияларидан бирига айланмоқда. Бинобарин, «сув ресурсларидан биргаликда фойдаланишнинг долзарб масалаларини ҳал қилишнинг барча учун мақбул ечимини излашни давом эттириш лозим»<sup>1</sup>. Ўзбекистон давлатининг минтақавий сув ресурсларидан оқилона фойдаланишни ташкил этиш функциясининг ҳуқуқий жиҳатлари мазкур сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш борасидаги фаолиятнинг самарадорлигини белгиловчи муҳим омиллардандир.

---

<sup>1</sup> Халқ сўзи. – 2018. – 16 март.

Ушбу диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси, «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги, «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги, «Экологик назорат тўғрисида»ги қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июндаги ПФ–5742-сон Фармони билан тасдиқланган Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш концепцияси, 2020 йил 10 июлдаги ПФ–6024-сон Фармони билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси сув хўжалигини ривожлантиришнинг 2020–2030 йилларга мўлжалланган концепцияси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Сув объектларини муҳофаза қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 25 сентябрдаги ПҚ–3286-сон ва «Сув ресурсларини бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2019 йил 9 октябрдаги ПҚ–4486-сон қарорлари ҳамда соҳага оид бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларнинг ижросини таъминлашга муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Мазкур диссертация республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Мамлакатимизда давлатнинг минтақавий сув ресурсларидан оқилона фойдаланишни ташкил этиш функцияси давлат ва ҳуқуқ назарияси, конституциявий ҳуқуқ ҳамда халқаро ҳуқуқ соҳасининг М.А.Ахмедшаева, З.М.Исломов, М.К.Нажимов, Х.Т.Одилқориев, Ф.Х.Отахонов, Ф.Х.Рахимов, А.Х.Саидов, У.Таджиханов, И.Т.Тулътеев, Р.Р.Хақимов, О.Т.Хусанов, Х.Юнусов каби мутахассислари томонидан қисман тадқиқ этилган<sup>1</sup>.

Трансчегаравий сув объектларидан оқилона фойдаланишнинг экологик-ҳуқуқий жиҳатлари У.Т.Аюбов, Ф.Т.Буранов, А.О.Жуманов, Й.О.Жўраев, М.М.Нурматов, Д.И.Сафаров, Н.К.Скрипников, Ш.Х.Файзиев, Ж.Т.Холмўминов, Ҳ.Ш.Ҳайитов каби эколог-ҳуқуқшунос олимлар томонидан ҳам ўрганилган.

Трансчегаравий сув ресурсларидан фойдаланиш бўйича давлат функцияси воситасида ижтимоий муносабатларни тартибга солиш, тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, уларнинг амалиётга татбиқ этилиши ва аҳамияти М.К.Вольфром, Ж.В.Делапенна, Х.А.Келлер, С.С.Маккефри, К.Матцумото каби хорижий олимлар томонидан ўрганилган.

Шунингдек, дарёлар халқаро-ҳуқуқий режимининг тадрижий ривожланиши, сувдан электр энергияси олиш ва ирригация мақсадларида фойдаланишнинг ҳуқуқий асосларини Ю.Баскин, А.Гончаренко, С.А.Гуреев, Л.В.Корбут, И.И.Лукашук, И.Тарасова, В.А.Чичварин ва бошқа олимлар тадқиқ этишган.

---

<sup>1</sup> Бу ва бошқа муаллифларнинг илмий ишлари диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.

Орол ва Оролбўйи ҳавзаси ҳамда Марказий Осиё минтақаси сув ресурсларидан фойдаланиш масаласи юзасидан ҳам бир қатор илмий тадқиқотлар амалга оширилган. Жумладан, Ж.Т.Артер, С.Виноградов, А.Джайлообаев, В.Духовний, Д.А.Капонера, В.П.Е.Лангфорд, П.Торез каби тадқиқотчилар минтақадаги экологик вазият ҳамда трансчегаравий сувлардан фойдаланиш муаммолари, шу масала бўйича давлатлараро муносабатларнинг ҳолати ва келишмовчиликларнинг сабабларини таҳлил қилганлар.

Бироқ, мазкур олимларнинг илмий асарларини таҳлил қилиш минтақавий сув ресурслари ва трансчегаравий дарёлардан фойдаланиш борасида давлатлар амалга оширадиган функциянинг мазмуни, табиати ва хусусиятлари, уни инновацион ривожланиш босқичида давлатнинг минтақавий сув ресурсларидан ва табиий сув манбаларидан фойдаланиш функциясини такомиллаштириш ҳамда модернизация қилиш масалалари етарлича илмий таҳлил этилмаганини кўрсатмоқда.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация иши мавзуси Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академиясида олиб борилаётган илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Давлат ҳокимиятини демократлаштириш ва ҳуқуқни амалга ошириш механизмини такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари» мавзусидаги илмий лойиҳа доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Ўзбекистон Республикасининг минтақавий сув ресурсларидан оқилона фойдаланишни ташкил этиш функциясини ва унинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

минтақавий сув ресурсларидан фойдаланишга оид давлат функциясининг моҳияти ва юридик табиатини аниқлаш;

давлат функцияси ҳодисасининг умумназарий, методологик жиҳатларини қайта кўриб чиқиш, давлат функцияларини талқин этиш ва таснифлашга оид янги ёндашувларни асослантириш;

давлатнинг минтақавий сувлардан фойдаланишни ташкил этиш функциясининг мазмуни ва хусусиятини ёритиш;

табиий сув ресурслари ва трансчегаравий дарёлардан фойдаланишни тартибга солувчи асосий халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмунини таҳлил қилиб, соҳага оид тушунчаларни унификациялаш имкониятларини аниқлаш;

Марказий Осиё минтақасида трансчегаравий дарёлардан фойдаланишга оид асосий муаммоларни аниқлаб, уларни давлат йўли билан тартибга солиш механизмларини тадқиқ этиш;

Марказий Осиё давлатларининг мавжуд муаммоларни ҳал қилиш бўйича ўзаро муносабатлари динамикасини тадқиқ этиш, халқаро-ҳуқуқий йўналишдаги ҳамкорликнинг истиқболларини кўрсатиш;

трансчегаравий сувлардан фойдаланиш функциясини бажаришда минтақа давлатлари ҳамкорлигининг инновацион шакл ва усулларини кўрсатиш ҳамда уларни ривожлантириш йўллари белгилаш;

Марказий Осиёда трансчегаравий сувлардан фойдаланиш бўйича Ўзбекистон Республикасининг халқаро-ҳуқуқий ташаббусини, шунингдек минтақада трансчегаравий сувлардан фойдаланишга оид халқаро ҳамда миллий қонунчилик ва ташкилий асосларни ривожлантиришнинг истиқболини таҳлил этиш;

трансчегаравий дарёлардан фойдаланишда минтақа давлатлари ҳамкорлигининг муаммо ва истиқболларини ўрганиш орқали ҳамкорликнинг халқаро-ҳуқуқий асосини такомиллаштириш бўйича илмий ва амалий таклифлар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** Марказий Осиё давлатларининг минтақавий сув ресурсларидан фойдаланиш ва уларни бошқариш борасидаги ижтимоий муносабатлар тизими, Ўзбекистон давлатининг тегишли функцияси мазмунидан иборат.

**Тадқиқотнинг предмети** Марказий Осиё давлатларининг минтақавий сув ресурсларидан фойдаланиш борасидаги халқаро-ҳуқуқий ҳамкорлигининг ҳолати, халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида минтақавий сув ресурсларидан фойдаланиш бўйича давлат функциясининг мазмуни ҳамда уни ривожлантириш истиқболларининг таҳлили ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда илмий билишнинг диалектика, таҳлил, умумлаштириш, қиёсий-ҳуқуқий, мантиқий, тарихий, статистик каби усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

давлат функцияларига оид янги замонавий концепциялар доирасидаги янги ёндашувлар таҳлил этилди. Бу категориянинг методологик масалалари кўриб чиқилиб, давлат функциясига ҳозирга қадар бериб келинган анъанавий таърифдан фарқли бўлган қуйидаги янги муаллифлик таърифи шакллантирилди: давлатнинг функцияси – анъанавий таъкидлаб келинганидек, давлат фаолиятининг асосий йўналишигина бўлиб қолмасдан, балки давлатнинг жамият ва мамлакат ҳаётининг муҳим соҳаларида, унинг асосий йўналишлари бўйича амалга ошириладиган фаолиятидир;

сув ресурсларидан оқилона ва самарали фойдаланиш, қишлоқ хўжалиги экинларини етиштиришда сув тежовчи технологияларни кенг миқёсда жорий этиш учун зарур шарт-шароитлар яратиш мақсадида бу борадаги ҳаракатларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, жумладан, илғор хорижий давлатлар тажрибаси асосида деҳқонлар, тадбиркорларнинг мазкур технологияларни жорий этиш харажатларининг бир қисмини давлат қоплаб бериши зарурлиги ҳуқуқий жиҳатдан асосланган;

трансчегаравий сув ресурсларидан фойдаланиш масалалари бўйича давлатлараро муносабатларни ривожлантиришда Марказий Осиё мамлакатлари манфаатларининг мувозанатини таъминлайдиган сув ресурсларини биргаликда бошқаришнинг ўзаро мақбул механизмлари ва сувдан самарали фойдаланиш дастурлари ишлаб чиқилиши асослаб берилган;

халқаро тажрибадан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон Республикаси имзолаган халқаро шартномалар давлат томонидан халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ бажарилиши шарт эканлиги исботланган;

давлатнинг трансчегаравий дарё сувларидан фойдаланиш бўйича фаолиятининг институционал ва функционал жиҳатлари таҳлил этилиб, тегишли давлат органлари ваколатларини кенгайтириш, бу борадаги халқаро ҳамкорликнинг механизмларини такомиллаштириш ва самарадорлигини оширишга йўналтирилган таклиф ва тавсиялар баён қилинган;

қайта тикланувчи энергия манбалари сифатида кичик ва микрогидро-электростанцияларнинг электр энергияси ишлаб чиқариш учун сув оқимларининг табиий ҳаракати энергиясидан фойдаланувчи тўғонсиз гидроэлектростанциялар сифатидаги ҳуқуқий мақомини белгилаб қўйиш, шунингдек тикланувчи энергия манбалари сифатида сув ресурсларидан фойдаланишни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг ҳуқуқий механизмларини мустаҳкамлаш зарурлиги асослаб берилган;

минтақавий сув ресурсларидан самарали фойдаланишнинг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш мақсадида сув соҳасидаги қонун ҳужжатларида трансчегаравий сув ресурслари истеъмолини тартибга солиш лозимлиги исботланган;

Ўзбекистон Республикасининг минтақавий сув ресурсларидан самарали фойдаланиш функциясини амалга ошириш, бу борада давлатлар ўртасида парламентлараро ҳамкорликни мустаҳкамлаш ҳамда минтақада сув ресурслари ва энергетика соҳасидаги масалаларни ҳал қилишда парламентнинг ролини ошириш зарурлиги асосланган;

ичимлик сувидан фойдаланиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарликни кучайтириш, шу жумладан, сув таъминоти қоидаларини бузганлик учун маъмурий жавобгарлик белгилаш орқали сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш маданиятини мустаҳкамлаш муҳимлиги асослаб берилган;

сувдан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш борасидаги ҳаракатлар устидан давлат назоратини маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси, Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Сув хўжалиги вазирлиги амалга ошириши лозимлиги асослаб берилди.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

«давлат функцияси» тушунчасининг моҳияти, мазмуни ва ўзига хос хусусиятлари назарий-методологик асосларга таянган ҳолда очиқ берилган;

минтақавий табиий сув ресурсларидан унумли ҳамда оқилона фойдаланишни ташкил этиш функцияси Марказий Осиё давлатларининг янги функцияси сифатида эътироф этилиши зарурлиги илмий асосланган;

Марказий Осиё минтақасида табиий сув ресурслардан фойдаланишнинг ҳозирги аҳволи таҳлил қилинган, бу борадаги муаммо ва камчиликлар аниқланиб, уларни ҳамкорликда ҳал қилиш йўллари тавсия этилган;

минтақадаги давлатларнинг табиий сув ресурсларидан ўзаро манфаатли асосда фойдаланиш бўйича, сув манбаларини бошқариш функциясининг мазмунини ташкил этувчи вазифалар изоҳланган;

мазкур функцияни амалга оширишнинг ҳуқуқий механизмларини аниқлаштириш, унинг самарали бўлишини таъминлаш мақсадида қонун

хужжатларини («Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги Қонун, Ер кодекси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорлари ҳамда Ҳукумат қарорларини) такомиллаштириш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Диссертация натижаларининг ишончлилиги хулосаларнинг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятига оид миллий ва халқаро қонун ҳужжатлари, ҳуқуқни қўллаш ва давлат функциясини бажариш амалиёти, хорижий давлатларнинг илғор тажрибаси ҳамда ўтказилган ижтимоий (экспертлар фикри асосида) сўровнома натижаларини таҳлил қилиш асосида ишлаб чиқилганлиги, қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар расмий манбалардан олинганлиги, хулоса, таклиф ва тавсиялар апробациядан ўтказилиб, амалиётда жорий этилганлиги ҳамда ваколатли давлат органлари томонидан тасдиқланганлиги билан таъминланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ундаги назарий хулоса ва таклифдан давлатнинг минтақавий сув ресурсларидан оқилona фойдаланишни ташкил этиш функцияси бўйича илмий изланишлар олиб боришда, қонун ҳужжатларининг тегишли нормаларини шарҳлашда, миллий қонунчиликни такомиллаштириш ҳамда «Давлат ва ҳуқуқ назарияси», «Халқаро оммавий ҳуқуқ», «Экология ҳуқуқи», «Сув ҳуқуқи» каби фанларни ўқитиш ва илмий-назарий жиҳатдан янада бойитишда фойдаланиш мумкинлиги билан боғлиқ.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти қонун чиқарувчи, ижро этувчи, хусусан ҳуқуқни қўлловчи органларнинг минтақавий сув ресурсларидан оқилona фойдаланишни ташкил этиш фаолиятини ҳамда халқаро-ҳуқуқий нормалар ва миллий қонунчилик базасини такомиллаштиришда, ушбу мавзу бўйича дарслик, қўлланма, монография, рисола ва методик ишланмалар тайёрлашда фойдаланиш мумкинлигидадир.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Ўзбекистон Республикасининг минтақавий сув ресурсларидан оқилona фойдаланишни ташкил этиш функцияси ва унинг ҳуқуқий жиҳатлари бўйича олинган илмий натижалар асосида ишлаб чиқилган:

қишлоқ хўжалиги экинларини етиштиришда сув тежовчи суғориш технологияларини жорий этиш тўғрисидаги таклиф – Вазирлар Маҳкамасининг «Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларининг сув тежовчи суғориш технологияларини жорий этиш бўйича харажатларининг бир қисмини қоплаб бериш чора-тадбирлари тўғрисида» 2020 йил 19 февралдаги 98-сон қарорини ишлаб чиқишда инобатга олинган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 5 майдаги 12/3/11-4828-сон далолатномаси). Ушбу таклиф қишлоқ хўжалиги экинларини етиштиришда сув тежовчи технологияларни кенг жорий этиш учун зарур ҳуқуқий шарт-шароит яратган;

сув тежовчи суғориш технологияларини жорий этишга экин майдонининг ҳар бир гектари учун қатъий белгиланган миқдордаги субсидиялар тақдим этиш бўйича таклифдан Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қишлоқ хўжалигида сув тежовчи технологияларни жорий этишни рағбатлантириш механизмларини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2019 йил

25 октябрдаги ПҚ–4499-сон қарорини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 5 майдаги 12/3/11-4828-сон далолатномаси). Ушбу таклиф сув тежовчи технологияларни жорий этишни рағбатлантиришга хизмат қилди;

трансчегаравий сув ресурсларидан фойдаланиш масалалари бўйича давлатлараро муносабатларни ривожлантириш, Марказий Осиё мамлакатлари манфаатларининг мувозанатини таъминлайдиган сув ресурсларини биргаликда бошқаришнинг ўзаро мақбул механизмларини ва сувдан самарали фойдаланиш дастурларини ишлаб чиқиш ва қўллаш тўғрисидаги таклиф Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 июлдаги ПФ–6024-сон Фармони билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси сув хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган концепциясининг 3.7 ва 5.10-кичик бандларини шакллантиришда эътиборга олинган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 13 июлдаги 12/3/11-4828-сон далолатномаси). Ушбу таклиф трансчегаравий сув ресурсларидан фойдаланиш масалалари бўйича давлатлараро муносабатларни янада мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда;

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари Ўзбекистон Республикаси томонидан халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ оғишмай ва мажбурий тарзда бажарилишини қонунчиликда мустаҳкамлаш тўғрисидаги таклиф «Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисида» 2019 йил 6 февралдаги ЎРҚ–518-сон Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 33-моддасини ишлаб чиқишда инобатга олинган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 2020 йил 12 июндаги 06/402-сон далолатномаси). Ушбу таклиф минтақавий сув ресурсларидан фойдаланиш соҳасидаги халқаро ҳамкорликнинг мустаҳкамланишига хизмат қилди;

«микро- ва кичик гидроэлектростанциялар» тушунчасини қонун ҳужжатларида аниқ белгилаш, шунингдек қайта тикланувчи энергия манбалари сифатида сув ресурсларидан фойдаланишни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ҳақидаги таклифлардан «Қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш тўғрисида»ги 2019 йил 21 майдаги ЎРҚ–539-сон Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 3 ва 13-моддаларини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 2020 йил 12 июндаги 06/402-сон далолатномаси). Ушбу таклиф сув ресурсларидан оқилона фойдаланишни ташкил этиш самарадорлигини оширишга хизмат қилди;

«Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунини амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқлаштириш, шу жумладан, трансчегаравий сув ресурслари истеъмолини тартибга солиш бўйича таклифлардан ушбу Қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги 2018 йил 23 июлдаги ЎРҚ–486-сон, 2019 йил 10 майдаги ЎРҚ–536-сон ҳамда 2019 йил 12 декабрдаги ЎРҚ–583-сон қонунларини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 2020 йил 12 июндаги 06/402-сон далолатномаси). Ушбу таклиф давлатимизнинг минтақавий сув ресурсларидан самарали фойдаланишнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришга хизмат қилди;

минтақада сув ресурслари ва энергетика соҳасидаги масалаларни ҳал қилишда парламентнинг ролини ошириш тўғрисидаги таклиф Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг «Мамлакат ташқи сиёсатида оид муҳим вазифаларни ҳал қилишда парламент дипломатияси ролини янада кучайтириш чора-тадбирлари ҳақида»ги 2019 йил 26 июлдаги 2624–III-сон қарорини ишлаб чиқишда инобатга олинган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2020 йил 8 майдаги 7-сон далолатномаси). Ушбу таклиф давлатимизнинг минтақавий сув ресурсларидан самарали фойдаланиш функциясини ташкил этишга, бу борадаги халқаро парламентлараро ҳамкорликнинг мустаҳкамланишига хизмат қилди;

ичимлик сувидан оқилона фойдаланиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарликни кучайтириш, шу жумладан, сув таъминоти қоидаларини бузганлик учун маъмурий жавобгарлик белгилаш тўғрисидаги таклифлардан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва кўшимчалар киритишни назарда тутувчи Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 10 октябрдаги ЎРҚ–495-сон Қонунини ишлаб чиқишда фойдаланилган. Тадқиқотчининг таклифи асосида Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси янги 1632-модда билан тўлдирилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2020 йил 8 майдаги 7-сон далолатномаси). Ушбу таклиф сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш маданиятини янада мустаҳкамлашга хизмат қилди;

суддан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш устидан давлат назорати маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси, Давлат геология ва минерал ресурслар кўмитаси, Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Сув хўжалиги вазирлиги томонидан амалга оширилиши тўғрисидаги таклифлардан «Сув ва суддан фойдаланиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 9-моддасига ўзгартишлар киритишни назарда тутувчи Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 12 ноябрдаги ЎРҚ–583-сон Қонунини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2020 йил 8 майдаги 7-сон далолатномаси). Ушбу таклиф сув ресурслари соҳасида давлат бошқарувининг самарадорлигини оширишга хизмат қилди.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари тўртта илмий анжуманда, жумладан иккита халқаро, иккита республика миқёсида ўтказилган илмий-амалий конференцияда, шунингдек давра суҳбатлари ва илмий семинарларда синовдан ўтган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Мазкур тадқиқот натижалари бўйича жами 15 та илмий иш, жумладан, битта монография, илмий журналларда 10 та (1 та хорижий нашрда) ва тўпламлар таркибида 4 та илмий мақола эълон қилинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, ҳажми 154 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати, республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги, мавзу бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, мавзунинг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан алоқаси, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, усуллари, илмий янгилиги ва амалий натижаси, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти, жорий қилиниши, апробацияси, эълон қилинганлиги, диссертациянинг ҳажми ва тузилиши ҳақида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби «**Давлат функцияларини тадқиқ этишнинг методологик асослари**» деб номланиб, унда давлат функцияларининг моҳияти, юридик табиати, тизими ва таснифи (классификацияси), давлатнинг минтақавий сув ресурсларидан фойдаланишни ташкил этиш функциясининг мазмуни ҳамда назарий-методологик жиҳатлари тадқиқ этилган.

Ушбу бобнинг «*Давлат функциясининг моҳияти ва юридик табиати*»га бағишланган биринчи параграфда давлат функцияларига янгича ёндашув, давлат функцияларининг ҳар бир тарихий давр руҳига мос тарзда ўзгариши диалектикаси батафсил таҳлил этилди. Жамиятимиз инновацион ривожланишининг ҳозирги босқичи, унинг янги марраларга чиқиши, шунингдек жаҳон миқёсидаги глобаллашув жараёнлари ҳам давлат функцияларини янада такомиллаштириш, уларни кун тартибига чиқаётган мураккаб замонавий вазифаларни бажариш эҳтиёжларига мослаштириш нуқтаи назаридан илмий мушоҳада қилишнинг долзарблигини тасдиқламоқда.

Диссертантнинг таъкидлашича, глобаллашув жараёнлари авж олаётган ҳозирги шароитда кўплаб минтақалар қатори Марказий Осиёда ҳам табиий ресурслардан, жумладан сув ресурсларидан, трансчегаравий дарёлардан оқилона фойдаланиш, бунда давлатнинг сув манбалари ва захираларини самарали бошқариш масаласи долзарб тус олмоқда. Ушбу фикр ва мулоҳазалар давлат функцияси назариясини қайта кўриб чиқишда, жумладан унинг миллий ва минтақавий даражада табиий ресурслардан фойдаланиш функциясининг мазмунини илмий жиҳатдан таҳлил ва талқин этишда ўта муҳим методологик вазифани бажаради.

Мазкур параграфда тадқиқотчи куйидаги муаллифлик таърифини илмий муомалага киритишни таклиф этган: «Давлат функцияси – давлат фаолиятининг асосий йўналишигина эмас, балки давлатнинг бош мақсади ва вазифаларидан, моҳияти ва ижтимоий миссиясидан келиб чиқиб, жамият ва мамлакат ҳаётининг муҳим соҳаларида, асосий жабҳаларида амалга ошириладиган фаолиятидир».

Мазкур бобнинг иккинчи параграфи «*Давлат функцияларининг тизими ва уларнинг таснифи (классификацияси)*» деб номланиб, унда давлатнинг турлитуман функцияларини гуруҳлаш мезонлари, талаблари ва ўзига хос белгилари

ёритилган. Тадқиқотчининг ёзишича, илмий таснифлашда давлат фаолиятининг объектлари ва соҳавий йўналишлари, ҳудудий кўламлари, ижтимоий муносабатларга давлат томонидан таъсир кўрсатиш усул ва вазифаларининг мазмуни асос қилиб олинади.

Диссертант илмий таснифлаш асосида давлат функцияларининг қуйидаги турларини ажратиб кўрсатади: 1) жамият ва давлат олдида турган вазифалар мазмунига кўра: яратувчанлик функцияси ва ҳимоялаш, кўриқлаш функцияси; 2) давлат фаолияти, давлатнинг ички ва ташқи сиёсатини амалга ошириш бўйича: ички ва ташқи функциялар; 3) давлат фаолиятини амалга ошириш методлари бўйича: ишонтириш ва мажбурлаш воситасида амалга ошириладиган функциялар; 4) давлат фаолияти йўналишлари бўйича: иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, маънавий-маданий, муҳофазалаш ва бошқа функциялар.

Марказий Осиё трансчегаравий дарёларининг сув ресурсларидан, табиий бойликларидан ўзаро манфаатли асосда, оқилона фойдаланиш минтақа давлатлари учун ўта долзарб муаммо бўлиб бормоқда. Ушбу муаммони ҳал қилиш учун минтақа давлатлари ўртасида кўплаб учрашувлар, музокаралар ўтказилмоқда, халқаро келишувлар (шартнома, битим, аҳдномалар) имзоланган. Мазкур халқаро ҳужжатларда белгиланган талаб, норма ва мажбуриятларни бажариш Марказий Осиё республикаларига, уларнинг тегишли давлат органларига жиддий вазифалар юкламоқда.

*«Давлатнинг минтақавий сув ресурсларидан фойдаланишни ташкил этиш функцияси»* деб номланган навбатдаги параграфда давлат ва жамият ҳаётида туб ислохотлар ва кенг модернизация жараёни амалга оширилаётган шароитда давлат функциялари янгича дифференциация асносида унинг минтақавий табиий сув ресурсларини бошқариш ва улардан оқилона фойдаланишни ташкил этиш функцияси қонуниятли тарзда ажралиб, мустақил кўриниш касб этаётгани исботланган.

Муаллиф давлатнинг бундай функциясининг алоҳида функция сифатида ажратилишини ёқлаб қуйидаги изоҳларни алоҳида кўрсатиб ўтади: биринчидан, минтақавий сув ресурслари, трансчегаравий дарёлардан фойдаланишни ташкил этиш функцияси давлатнинг соф ички экологик функцияси доирасига сиғмайди; иккинчидан, бу функция халқаро муносабатлар доирасига дахлдор бўлиб, ташқи функция хусусиятларига ҳам эга.

Амалга оширилган тадқиқот ҳамда таҳлиллар асосида диссертацияда давлатнинг минтақавий табиий сув ресурсларидан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш функциясига хос қуйидаги хусусиятлар кўрсатилган: а) мазкур функциянинг мазмуни давлатнинг ички экологик функцияси мазмунидан кенг бўлиб, ички ва ташқи функциялар уйғунлашуви асосида амалга ошиши мумкин; б) глобаллашув жараёнлари, дунёвий ва минтақавий табиий таҳдидлар давлатлар ўртасида ҳамкорлик қилиш зарурлигини, сув ресурслари ва трансчегаравий дарёлардан самарали фойдаланиш билан боғлиқ янги фаолият йўналишини намоён этмоқда; в) ушбу функция нафақат миллий қонунчилик, балки халқаро ҳуқуқ нормалари асосида ҳам амалга ошириладиган фаолиятдир; г) минтақавий табиий сув ресурсларидан фойдаланиш борасида ягона сув

техникавий сиёсатини шакллантириш ва амалга ошириш ушбу функция мазмунининг таркибий қисмини ташкил этади; д) табиий сув ресурсларини оқилона бошқариш ва улардан фойдаланишни ташкил этиш; е) давлатнинг бу функцияси дипломатик воситалар ва умумий консенсусга эришиш усуллари ёрдамида амалга оширилади.

Диссертациянинг «**Марказий Осиёдаги сув ресурсларидан фойдаланишни ташкил этишнинг ҳуқуқий ва ташкилий жиҳатлари**» деб номланган иккинчи бобида ҳуқуқшуносликда «трансчегаравий дарё» тушунчасининг мазмуни, Марказий Осиёда трансчегаравий дарёлардан фойдаланиш борасидаги давлат фаолиятининг халқаро-ҳуқуқий асослари, табиий сув ресурсларидан фойдаланишда минтақавий ҳамкорликнинг ҳолати ва истикболлари, Марказий Осиёда трансчегаравий дарёлардан фойдаланишнинг институционал асослари таҳлил қилинган.

Ушбу бобнинг биринчи параграфи «*Ҳуқуқшуносликда трансчегаравий дарё тушунчаси*»га бағишланган. Унда қайд этилишича, трансчегаравий дарёлар халқаро ҳуқуқ доирасида алоҳида муаммоларни юзага келтиради. Фойдали қазилмалар ёки нефть каби табиий ресурслардан фарқли равишда, дарё тизими комплекс гидрологик бирликнинг таркибий қисми ҳисобланади. Оқимнинг юқори қисмидаги сувнинг экологик вазияти оқимнинг қуйи қисмига бевосита таъсир кўрсатади ва, аксинча.

Диссертацияда халқаро сув ҳуқуқининг асосий қоида ва талаблари (принцип ва стандартлари) атрофлича таҳлил қилинган. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 1992 йил 17 мартдаги Трансчегаравий очиқ сув оқимлари ва халқаро кўлларни муҳофаза қилиш ҳамда улардан фойдаланиш бўйича Конвенцияси, шунингдек 1997 йилдаги Сув оқимлари тўғрисидаги Конвенциясида сув ҳуқуқининг асосий принцип ва қоидалари, яъни бир ҳавза мамлакатларининг асосий ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгиловчи механизм келтирилганига урғу берилган.

Муаллифнинг қайд этилишича, сувдан фойдаланиш ва уни муҳофаза этишга қаратилган қонунларда сув бойликларига эҳтиёткорона муносабатда бўлиш, уларни асраш, қўриқлаш, тежаш тартиблари ўрнатилган ҳамда ушбу тартибларга риоя қилиш чоралари белгиланган. Сувдан оқилона фойдаланиш ва унинг муҳофазасини таъминлашда ҳуқуқ бутун жамият учун ҳам, ҳар бир алоҳида шахс учун ҳам муҳим. Бунда, ҳуқуқий нормалар давлатларнинг сувдан фойдаланишни ташкил этиш функцияси орқали амалга оширилади. Ана шулар асосида тадқиқотчи бугун ушбу функциянинг аҳамияти ортиб бораётгани ҳақида хулоса чиқаради.

Мазкур бобнинг «*Марказий Осиёда трансчегаравий дарёлардан фойдаланиш борасидаги давлат фаолиятининг халқаро-ҳуқуқий асослари*» деб номланган иккинчи параграфида таҳлил этилаётган давлат функциясининг халқаро-ҳуқуқий негизлари ўрганилган.

Ушбу параграфда сўнги чорак аср давомида Ўзбекистон билан қўшни Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркменистон давлатлари ўртасида имзоланган кўп томонлама ва икки томонлама халқаро келишув ва битимларнинг мазмуни таҳлил этилган.

Ишда АҚШ, Франция, Германия, Швейцария ва бошқа давлатларнинг трансчегаравий дарёлар сувидан фойдаланиш масаласида чегарадош давлатлар ўртасида юзага келган низоларни ҳал қилишга доир тажрибаси ўрганилган.

Иккинчи бобнинг учинчи параграфи «*Табиий сув ресурсларидан фойдаланишда минтақавий ҳамкорликнинг ҳолати ва истиқболлари*» деб номланган. Унда Марказий Осиё минтақасининг табиати ва сув ресурсларидан фойдаланиш хусусиятлари Орол денгизининг қуриши, Оролбўйи худуди ва денгиз ҳавзасининг табиати ва географик жойлашувига хос жиҳатлар, иқтисодий ривожланишининг ўтмиши, тарихи ва истиқболи нуқтаи назаридан таҳлил қилинган.

Изланувчининг таҳлилларига кўра, Оролбўйида гидрологик режимнинг бузилиши, Орол денгизи сатҳининг пасайиши сабабли чўллашиш жараёни кучайган, минтақадаги барча манбалардан келаётган сув сифати бузилган, бунинг натижасида аҳолининг турмуш шароити ҳам ёмонлашган.

Муаллифнинг ёзишича, 1992 йилда Марказий Осиёнинг бешта республикаси таъсис этган минтақа сув ҳавзаларини бошқарувчи муассаса – яъни Давлатлараро Мувофиқлаштирувчи Сув Хўжалиги Комиссияси (ДМСК) – зиммасига ҳар бир республикага квота ажратган ҳолда, сувдан фойдаланишни тартибга солиш ва трансчегаравий сувлар борасида барқарор халқаро муносабатларни таъминлаш вазифалари юклатилган эди. Амударё ва Сирдарё ҳавзалари сув хўжалиги бошқармалари ҳамон ДМСК белгилаган меъёрлар асосида фаолият кўрсатмоқдалар.

Мазкур бобнинг тўртинчи параграфи «*Марказий Осиёда трансчегаравий дарёлардан фойдаланишнинг институциявий асослари*» деб номланади. Ушбу параграфда Марказий Осиё минтақасидаги сув ресурслари, хусусан Орол денгизи сув захиралари ва трансчегаравий дарёлардан самарали фойдаланишнинг институционал жиҳатлари муаммони ҳал этишнинг амалий жиҳатини ташкил этиши таъкидланган. Мазкур сув ресурсларидан оқилона фойдаланишнинг ташкил этиш функцияси уни амалга оширувчи мутасадди давлат органлари ҳамда давлатлараро тузилмалар бўлишини тақозо этади. Ҳар бир миллий давлатнинг ушбу функцияни бажарувчи органлари фаолиятини ташкил этиш ҳамда мазкур идораларнинг минтақадаги бошқа мамлакатларнинг турдош давлат органлари билан реал ҳамкорлиги механизмларини тадқиқ этиш катта илмий ва айни вақтда амалий аҳамиятга эга.

Муаллифнинг фикрича, *минтақадаги сув ресурсларидан фойдаланишнинг институционал жиҳатлари* деганда уни бошқариш, бошқарувни амалга оширувчи давлат органлари, шунингдек давлатлараро тузилмалар тушунилади. Бундай институционал тузилма ва ташкилотларга Марказий Осиё Ҳамкорлик Ташкилоти, Евросиё Иқтисодий Ҳамжамияти, Оролни Қутқариш Халқаро Жамғармасининг ижроия кўмитаси, Давлатлараро Сув Хўжалигини Мувофиқлаштирувчи Комиссия, минтақа республикаларининг давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, шунингдек бошқа субъектлар киради.

Тадқиқот ишининг учинчи боби «**Давлатнинг минтақавий сув ресурсларидан фойдаланиш функциясини такомиллаштириш**» деб номланиб, унда инновацион ривожланиш босқичида Ўзбекистоннинг минтақавий сув

ресурсларидан фойдаланиш функциясини такомиллаштиришнинг ҳуқуқий жиҳатлари, минтақавий табиий сув ресурсларидан фойдаланиш функциясини амалга оширишда маҳаллий давлат органларининг фаолияти ҳамда давлатнинг табиий сув манбаларидан фойдаланиш функциясини модернизация қилиш истиқболлари тадқиқ этилган.

Мазкур бобнинг биринчи параграфи *«Инновацион ривожланиш босқичида Ўзбекистоннинг минтақавий сув ресурсларидан фойдаланиш функциясини такомиллаштиришнинг ҳуқуқий жиҳатлари»*га бағишланган.

Ушбу параграфда ёзилишича, республикаимиз аҳолиси 20 млн дан ортиқроқ бўлган асримиз бошларида иқтисодиёт тармоқларида сарфланадиган сув ҳажми 64 млрд куб метрни ташкил этган бўлса, аҳоли сони 34 млн га етган 2020 йилда сув сарфи 51–52 млрд куб метр бўлиши кутилмоқда.

Диссертант бунга республикаимизда сувни тежаб ишлатиш борасида қатъий чоралар кўрилаётгани, тегишли қонунлар, Ўзбекистон Президентининг фармон ва қарорлари, Ҳукумат қарорлари қабул қилиниб, ҳаётга изчил жорий этилаётгани, «Ақлли сув тизими» яратилаётгани сабаб бўлаётганини таҳлил ва аниқ мисоллар асосида кўрсатиб берган. Шунингдек, ишда тегишли муаммоларга ечим топиш мақсадида ўтказилган ижтимоий сўров натижалари асосида хулосалар чиқарилган, назарий ҳамда амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Ушбу бобнинг навбатдаги *«Минтақавий табиий сув ресурсларидан фойдаланиш функциясини амалга оширишда маҳаллий давлат органларининг фаолияти»* номли параграфида маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ушбу жараёндаги роли таҳлил қилинган.

Изланувчининг фикрича, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят, туман ва шаҳарлар даражаларидаги маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ўз ҳудудларидаги трансчегаравий ва бошқа сув ресурсларини бошқариш ҳамда улардан фойдаланишда иштирок этишга оид вазифа ва функциялари амалдаги қонунчиликда акс эттирилмаган. Бироқ, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари мазкур соҳада ўз ваколатлари доирасида иштирок этадилар, тегишли вазифаларни бажарадилар.

Таҳлиллар асосида диссертант мавзуга оид маҳаллий бошқарув деганда сув ресурсларини бошқариш, улардан оқилона фойдаланиш ҳамда уларни самарали муҳофаза этиш борасида маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан амалга ошириладиган бошқарув ҳамда тезкор фармойиш бериш фаолияти ва тартиби тушунилади, деган тўхтамга келади. Диссертацияда мазкур таърифни «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 2<sup>1</sup>-моддасига киритиш, шунингдек Қонунни маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг мазкур функцияни бажариш билан боғлиқ ваколатларини ифодаловчи янги 84<sup>1</sup>-модда билан тўлдириш таклиф этилган.

Ушбу бобнинг *«Давлатнинг табиий сув манбаларидан фойдаланиш функциясини модернизация қилиш истиқболлари»* деб номланган учинчи параграфида Ўзбекистонни ривожлантиришнинг инновацион, рақамли иқтисодиётни қарор топтириш босқичида давлат функцияларини янада

модернизация қилиш, давлат бошқаруви жараёнларига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш масалалари кўриб чиқилган.

Тадқиқотчининг фикрича, бундай иқтисодиёт давлат бошқарувини ҳамда давлат органларининг функцияларини замон талаблари даражасида ислоҳ этишга, бунда ахборот-коммуникация технологияларидан самарали фойдаланиб иш кўришга асосланади. Давлат бошқарувини модернизация қилиш талаби сув хўжалигини бошқариш, сув ресурсларидан тежамкорлик билан фойдаланиш борасидаги давлат функциясини амалга оширишга ҳам тўлиғича тааллуқлидир.

Муаллифнинг фикрича, минтақа сув ресурсларидан фойдаланишнинг ҳозирги ҳолатда давом этиши Марказий Осиё давлатлари ўртасида миллатлараро низоларни келтириб чиқариши, минтақадаги ижтимоий-сиёсий вазиятни ёмонлаштириши мумкин. Бундай ўта мураккаб вазиятда кўшни республикалар ваколатли давлат органларининг сув ресурсларини бошқариш, уларнинг ҳисобини юритиш, уларни назорат қилиш ва улардан фойдаланишни ташкил қилиш соҳасидаги фаолияти ва функцияларини ўзаро мувофиқлаштириш талаб этилади.

## ХУЛОСА

Давлат ва ҳуқуқ назариясига оид юридик илмий адабиётларни, мавзуга оид миллий ва хорижий давлатлар қонун ҳужжатларини таҳлил қилиш Ўзбекистон давлатининг минтақавий сув ресурсларидан оқилона фойдаланишни ташкил этиш функцияси ва унинг ҳуқуқий жиҳатларига оид бир қанча таклиф ва илмий тавсиялар ишлаб чиқилишига асос бўлди. Диссертацияда улар икки гуруҳга бўлиб тақдим этилган.

### **I. Ҳуқуқшунослик фанининг методологик, илмий-назарий асосларини мустаҳкамлаш бўйича хулосалар:**

1. Давлат функцияларига бағишланган таълимот, назарий манбалар, тегишли халқаро ва миллий қонунчилик ҳужжатлари ҳамда амалиётни таҳлил қилиш асосида республикамизда минтақавий табиий сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш давлатнинг алоҳида функцияси сифатида шаклланмоқда. Давлат функцияларига оид замонавий концепцияларга таянган методологик масалаларни таҳлил этиш асосида давлат функциясига қуйидагича таъриф бериш мумкин: «Давлатнинг функцияси – одатда таъкидлаб келинганидек, давлат фаолиятининг асосий йўналишигина бўлиб қолмай, балки давлатнинг бош мақсади ва моҳиятидан келиб чиқиб, жамият ва мамлакат ҳаётининг муҳим соҳаларида, унинг асосий йўналишлари бўйича амалга ошириладиган фаолиятидир».

2. Бугун Ўзбекистон давлатининг янги функциялари, хусусан, глобал экологик муаммолар билан курашиш, атроф-табиий муҳитни самарали муҳофаза қилиш функциялари билан бир қаторда, минтақавий табиий сув ресурсларини бошқариш ва улардан оқилона фойдаланишни ташкил этишдек муҳим функцияси ажралиб чиқиб, изчил шаклланмоқда.

